

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 125 (1186), 2024 йил 26 июнь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ИВ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.



Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари яқинда Доғистонда содир этилган террорчилик хуружи оқибатида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг оила аъзоларига ҳамдардлик ва далда сўзларини билдирди.

Олий даражада эришилган келишувларнинг амалий ижроси кўриб чиқилди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, киберхавфсизлик ва рақамли экспертиза соҳаларидаги

ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди. Миграция соҳасида ҳамкорлик механизмларининг самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

ЎЗА

МЎҒУЛИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух 25 июнь куни Хоразм вилоятига келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Урганч халқаро аэропортида Мўғулистон раҳбари ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух дастлаб Хива шаҳридаги Нуриллабой саройида бўлди. Мазкур сарой XX аср бошларида бунёд этилган, мадраса, 100 дан ортиқ хона ва галереялардан иборат тарихий мажмуа эди. Сарой хоналарини безашда нафақат хивалик моҳир усталар, балки чет эллик расм-декораторлар ҳам иштирок этган, улар саройнинг шарқона қиёфасига Европанинг модерн услубини сингдирганлар. Хоналар ички кўриниши, каминлари, Венеция ойналари ва тилла суви югуртилган бронзадан ишланган, биллур илгакли қандиллари билан ажралиб туради.

Мўғулистон раҳбари ва унинг рафиқасига сарой тарихи ҳақида маълумот берилди.

Тарихий мажмуа 2017 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев топширигига биноан реконструкция ва реставрация қилинган.

Мажмуа олий мартабали меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Сўнгра Мўғулистон Президенти бошчилигидаги делегация Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасини томоша қилди.

Маълумки, очик осмон остидаги музей, деб ном олган "Ичан қалъа" мажмуаси ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхати киритилган. 26 гектар майдонда 58 та тарихий-мемориал обида жойлашган музей-қўриқхонанинг фаолият бошлаганига 104 йил тўлди. 2020 йилда шаҳар Туркий дунёнинг маданий пойтахти, 2024 йилда эса Ислон дунёсининг туризм пойтахти, деб эълон қилинди.

Бу ердаги осори атиқалар маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Олий мартабали меҳмон ташриф давомида қадимий шаҳардаги Кўк минора,

Кўҳна арк саройи, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислонхўжа минораси, Жума масжиди, Ташхўли мажмуаларини томоша қилди.

Ичан қалъанинг қадим кўчаларида меҳмонлар шарафига фольклор жамоаларининг чиқишлари, театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Делегация вакиллари музей-қўриқхона ходимлари, сайёҳлар, ҳудудда фаолият кўрсатётган хунармандлар билан сўхбатлашди.

Хоразмнинг тарихи, илм-фан ривожига қўشган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар, бой маданияти ва саноати меҳмонларда ёрқин таассурот қолдирди.

Тарихий обидаларга саёҳат аяқланган, олий мартабали меҳмон шарафига дастурхон ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Аҳмаджон ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни маҳаллалар ободлигини таъминлаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда барча дастурлар маҳаллаларда амалга оширилмоқда. Бу тизимга катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Улардаги ободлик, муҳит ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла бор. Шундан қарийб 3 мингтаси кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларга 821 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Ҳовли уйлар жойлашган 6 минг 400 дан зиёд маҳаллада эса ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, асосан, ҳашар билан қилинади.

Шу боис, бундай жойларда "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилиш таклиф

этилмоқда. Унга кўра, бу ташкилотлар маҳаллаларни ободонлаштириш билан шуғулланади, кўчалар ва ариқлар тозаланиши таъминлади, кўчатлар экиб, парвартилади. Шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташини хизматларини ҳам кўрсатади.

Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида шартнома асосида шартнома таллаб олинади. Ободончилик ишлари маҳалланинг бююртмаси ва назорати асосида амалга оширилади. Сервис компаниялари хизматларига тўловлар қилиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳар ойда 20 миллион

сўмдан маблағ ажратилади. Шунингдек, улар аҳолига 20 дан ортиқ ижтимоий пулли хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин бўлади.

Умуман, бу тизим натижасида маҳаллаларга фэйз киради, одамларда озодалик ва дахлдорлик маданияти кучаяди. Маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишсиз кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Тақдимотда сервис компаниялари аввал тажриба тариқасида 208 та маҳаллада ташкил этилиши белгиланди. Ушбу тажриба натижаси бўйича кейинчалик барча маҳаллаларда жорий қилиш таклифи билдирилди.

ЎЗА

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Аҳолининг кундалик истеъмолида гўшт, тухум, сут ва улардан тайёрланган маҳсулотлар катта ўрин эгаллайди. Шу боис, паррандачилик, қорақўлчилик ва эчкичиликни ривожлантириш, озиқ-овқат инфляциясини камайтириш чоралари кўриломоқда. Қолаверса, бу соҳаларда аҳолини банд қилиш ва даромадини ошириш имконияти ҳам кўп.

Масалан, 2023 йилда паррандачилик тармоғида 253 та лойиҳа амалга оширилиб, бундай хўжаликлар сони 1 минг 300 тага етган, 4 мингта янги иш ўрни очилган. Келгусидаги истиқболли лойиҳалар учун халқаро ташкилот ва банклардан 420 миллион доллар жалб қилинмоқда.

Тақдимотда мутасаддилар паррандачилик тармоғини ривожлантириш стратегиясини ҳамда бу йилги режалари юзасидан ахборот берди.

Жумладан, бу йил парранда гўшти ҳажми 700 минг тоннадан 800 минг тоннага, тухум етиштириш 8,5 миллиард дондан 10 миллиард донга етказилиши айтилди.

Бу тармоқдаги энг муҳим масала — насл. Юртимизда гўшт йўналишидаги парранданнинг 1-тартибли генетикаси йўқ, 2-тартибли генетика эса Венгриядан олиб келинапти.

Жаҳон бозориде парранда генетикасининг 80 фоизи АҚШ компаниясига тўғри келади. Шу боис, улар билан ҳамкорликда паррандачиликда генетик технологияларни жорий қилиш ва наслчилик хўжаликлари ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, паррандачиликда кластер тизимини жорий этиш, тайёр бизнес лойиҳалар қилиб, тадбиркорларга бериш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Соҳа ривожини қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча имкониятлар белгилади. Унга кўра, паррандачилик корхоналари 5 йилга ер солиғидан озод қилинади. Парранда гўшти экспортга рухсат берилади. Тадбиркорларга берилган 35 миллион доллар арзон ресурсни қайтариш муддати 3 йилга узайтирилади.

Давлатимиз раҳбари озуқа-ем захирасини кенгайтириш ва паррандачилик хўжаликлариغا марказлаштирилган тартибда етказиш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Ҳозирги кунда юртимизда 39 та қорақўлчилик хўжалиги бор. Бухоро вилоятидаги 2 миллион гектардан зиёд яилолда 2 миллион бош қўй боқилапти. Булар, албатта, етарли эмас.

Шу боис, қорақўл қўйини кооперация асосида хонадонларда боқиш таклифи

билдирилди. Хусусан, Қорақўл, Қоровул-бозор, Ёғдўвон, Пешку, Жондор, Олот туманларида аҳолига қўйлар етказиб берилиб, яйлов ва қудуқлар ажратилади. Озуқа-эб ўсимликлар майдонлари кенгайтирилади.

Бу каби чоралар орқали қорақўл қўйларини 6 миллион бошдан 7 миллион бошга етказиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида эчкичиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилган эди. Шунга мувофиқ, Туркия ва Россиядан эздор эчкилар олиб келиниб, насли эчкичилик кластери ташкил этилди.

Худди шу тахлит, Мўғулистон тажрибаси асосида Қорақўлгоистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятига 5 минг бошдан насли эчки олиб келиб, кўпайтириш заруриги айтилди. Бу икки йилда эчкилар сонини 100 минг бошдан ошириш имконини беради.

Шунингдек, эчкичиликда ҳам насли яхшилаш, жунни қайта ишлаш орқали кашемир ва тивит маҳсулотлари етиштириб, экспортни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ислоҳотлар самараси



Тўқимачилик соҳаси жадал ривожланишини таъминламоқда



Президентимиз таъбири билан айтганда, "Тўқимачилик — иқтисодидеғимиз учун жуда катта имконият ва захирадир. У бизга кам харажат билан олтиндан ҳам кўп даромад келтирадиган соҳадир!". Шунинг учун 2016 йилдан бошланган янги иқтисодий сиёсатда мазкур тармоқни жадал ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ҳаётда қандайдир соҳада куч сурган ва салбий анъанага айланган хорижга пахта толаси ва ип-калава сотишни тугатиш, унинг ўрнига хомашёни чуқур қайта ишлаб, кийим-кечак тикиш ва хорижга юқори қийматли тайёр маҳсулот экспорт қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Натижада тўқимачиликда бошқа тармоқларга нисбатан камроқ маблағ сарфлаб, кўпроқ фойда олинмоқда.

Хунарманд ажодларимиз қадим-қадимдан ипак ва пахтадан тайёрланган нозик мато ва бежирим кийимлари билан Буюк ипак йўли карвонлари орқали дунё халқларини таъминлаб келган. Евроосиё материгида яшаган халқлар ўзбеклар тўқиган

газлама ва тиккан кийимларни ўта ажойиб баҳолаган.

Бахтга қарши собиқ шўролар юртимизни арзон хомашё етиштириб берадиган ўлкага айлантирди, пахтаимизни қайта ишлашнинг асосий қисмини бошқа республикаларга

ўтказди. Натижада ўзбек хунармандларининг асрлар давомида сайқаланиб, жаҳонни ҳайратга солиб келган тўқимачилик салоҳияти деярли йўқотилаётди.

Янги Ўзбекистон даврига келиб, барча жаҳонлар каби пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноатида ҳам инқилобий ўзгаришлар юз берди. Собиқ иттифок даврида пахта хомашёсининг бор-йўғи 8 фоизигина ўзимизда қайта ишланган бўлса, 2021 йилга келиб, бу борада мисли кўрилмаган натижага эришдик, яъни пахтанинг ҳаммасини ўзимиз қайта ишлаш даражасига етдик. Пароканда ётган тармоқ қаддини тиклади, аҳолининг мато ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини тўла қондириб, маҳсулотларини хорижнинг 83 давлатига экспорт қила бошлади.

Тўқимачилик ва тиквун-трикотаж саноати ривожини учун қисқа фурсатда зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар яратилди. Пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик соҳаларини ривожлантириш, айниқса, илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига пахта ишлаб чиқариш қийинини ошириш ҳамда пахтани чуқур қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш борасида улкан чора-тадбирлар кўрилди.

Миллий стратегияларимизда белгиланган муҳим чора-тадбирлар ичида ҳам тўқимачилик соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, пахта толасини чуқур қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида "Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш" ва шу йўл билан соҳа экспортини камида 2 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Давоми 4-бетда

Давлат Инсон учун

ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

Йўлга шошилишнинг олганимиз зарур бўлиб қолди. Тошкентдан Қаршигача бўлган масофани машинада босиб ўтишни истамадим. Бошда минг хил ўй-хаёл, яна диққат билан машина бошқариш баъзан инсонни толиқтиради. Ахир эртага орта қайтаман, узок йўлга эркин ва хотиржам бориб келишга нима етсин?

Уловни вокзал яқинида тўхтаб туриш мумкин бўлган жойда қолдирдим-да, тез-юрак поездда манзилга жўнадим. Ҳамроҳим — қўшни давлатдан келган меҳмон машинамини кўчада қолдирганимдан ҳайратга тушди. Хавфсизлиги қанчалик таъминлангани, бирор шикаст етмаслиги ҳақида сўради. Ҳаммаси назоратда эканини айтиб, тинчлантирдим...

Тинчлик — улуг неъмат. У бор жойда кўнгли хотиржамлиги, осойишта ҳаёт ҳукмрон бўлади. Фарзандлар камоли, орзу-умидлар рўёби ҳам ана шу буюк неъмат туфайлидир.

Инсоннинг кўнгли хотиржам, уйқуси тинч ва осуда кечаркан, эртанги кунга ишонч ва мақсад билан уйғонади. Бу эса янги кун, янги яратувчанликка асос бўлади. Ишдаги унум-баракат, турмушдаги фаровонлик ҳам шундан. Кўнгли хотиржамлиги бора-бора юрт, мамлакат осойишталигига айланади. Ҳаёт йўлларида учрайдиган вазу балангликлари ана шу хотиржамлик, пастминлик билан енгиш мумкин. Қолаверса, тартиб бор жойда тараққиёт ҳам бўлади. Бу эса айни пайтда мамлакатимизда жорий этилаётган "Хавфсиз шаҳар" тизимининг нечоғлиқ аҳамиятли эканини яна бир бор кўрсатади.

Давоми 5-бетда

Шарҳ

МУЛОҚОТ — МАНФААТЛИ МУРОСА ТАНЛОВИ

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Бундан уч йил олдин яхши тажриба — Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти ташкил этилиб, соҳа вакиллари олдидаги муаммоларга биргаликда ечим топиш амалиёти йўлга қўйилган эди. Илк очик мулоқот 2021 йил 20 августда бўлиб ўтган ва учрашувда жами ўн мингта яқин тадбиркор иштирок этганди. Ўтган очик мулоқотларда ишбилармонликни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун янада кулай шароитлар яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари суриб келинмоқда.

Бир вақтлар тадбиркорларга “муттаҳам”, “олибсотар” “солиқ тўлашдан қочувчи” сифатида қарашлар бўлгани ҳам рост.

Одамлар тадбиркорлик қилишга қўрқиб қолган, бизнес вакили эканини яширадиган даврлар ҳам бўлди.

Тадбиркорлик ривожланган жойда ишсизлик камаяди, сифатли ва арзон маҳсулот кўпаяди, рақобат ривожланиб, экспорт салоҳияти ошиб боради. Молиявий юксалиш эса давлатнинг иқтисодий қудрати ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Бўлажак мулоқот кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун катта имкониятдир. Бу имконият уларда ўзига ишонч ва илдам қадамлар билан ҳалол меҳнат қилишига замин яратади.

Бугун эса вазият тубдан ўзгариб, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, экспортни йўлга қўйиш орқали иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу боис, бир кишини бўлса ҳам иш билан таъминлаган одам тадбиркор сифатида эъзозланиб, барча шароит, имкониятлар яратиб берилляпти.

Жумладан, соҳага доир қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларга асосан, рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чеклов-

ларга барҳам берилди. Натижада юртимизда тадбиркорлар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда.

Лекин тадбиркорлик ҳам жуда катта йўналиш ва унда доим ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, бизнес вакиллари кўпайганидан қатор масалалар бўлади. Давлатимиз раҳбарининг улар билан айнавний тарзда ўтказётган очик мулоқотлари эса ўртага ташланаётган масалалар ечимида муҳим омил бўлмоқда. Муаммоларни ҳам, тақлифларни ҳам тадбиркорларнинг ўзи кўрсатиб беришти, уларнинг ечими эса қонуний асосларда ҳал этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланганидек, бу йилги тадбир Қорақалпоғистонда бўлиб ўтади. Бу Қорақалпоғистонга инвесторларни жалб этиш билан бирга ҳудуднинг жозибдорлигини кўрсатишга имконият яратади.

Ҳужжат ижроси юзасидан республика комиссияси ва ҳудудларда тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди.

Мулоқот — муносабатда тенглик. Икки томон учун бирдек муносабатли муроса танлови. Тадбиркорлар билан мулоқот ана шу тамойилларга асосланган. Бугун мулоқотдан мулоқотга қадар ўнлаб масалалар,

йиллаб ечимини кутиб ётган муаммолар бартараф этилмоқда. Қонуңчилик такомиллашиб бормоқда. Бу йил ҳам режалар катта. Навбатдаги мулоқот учун қақриув кўнгируги бошланди.

Қарор билан жорий йилнинг 15 июнидан очик мулоқот ўтказилгунга қадар тадбиркорларнинг мурожаатлари махсус электрон платформалар, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Call-марказ, ижтимоий тармоқлар, сайёр қабуллар орқали туну кун қабул қилинмоқда.

— Ҳужжатда қўйилган вазифалардан яна бири жойларда тегишли мутасадди ташкилотлар билан бирга сайёр қабуллар ўтказиш масаласидир, — дейди Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори Дилмурод Алимухаммедов. — Айни пайтда қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳафтанинг муайян кунда ҳар бир туманга чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари билан ана шундай қабуллар ўтказиб келинмоқда. Тадбиркорлар томонидан берилаётган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар олиниб, таҳлил қилиняпти. Энг муҳими, сайёр қабул давомида уларнинг муаммосини ечиш имконияти бўлса, ўша жойнинг ўзида ҳал этиляпти.

Қарорда берилган вазифадан келиб чиқиб, “Тадбиркорлар билан очик мулоқот” электрон платформаси ишга туширилади. Платформада очик мулоқот доирасида мурожаатлар қабул қилинади, умумлаштирилади ва назоратта олинади. Натижалар бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари жойлаштириб борилади.


Ушбу вазифага Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Рақамли технологиялар вазирлиги масъул ҳисобланади.

— Бу платформа “taklif2024.uz” домени асосида ишга туширилди, — дейди

Савдо-саноат палатаси бош мутахассиси Бахтиёр Тожбоев. — Қолдирилган мурожаатлар республика штабининг тегишли вазирлик ва идоралар ҳодимлари томонидан тежорлик билан кўриб чиқилиб, платформага юкланиб борилмоқда. Мурожаатчи тадбиркорлар ушбу сайт орқали мурожаатларини текшириш, жавобларини матн ва файл кўринишида юклаб олиши мумкин.

Мулоқот доирасида 2024 йил август ойда Қорақалпоғистонда халқаро бизнес-форум ташкил этилади. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари билан ҳамкорликда салохиятли инвесторлар жалб этилади. Шунингдек, йил якунига қадар “Қорақалпоғистонда бизнес қилин” дастури доирасида йирик хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар брендлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Тадбиркорлик ривожланган жойда ишсизлик камаяди, сифатли ва арзон маҳсулот кўпаяди, рақобат ривожланиб, экспорт салоҳияти ошиб боради. Молиявий юксалиш эса давлатнинг иқтисодий қудрати ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Бўлажак мулоқот кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун катта имкониятдир. Бу имконият уларда ўзига ишонч ва илдам қадамлар билан ҳалол меҳнат қилишига замин яратади.



Муносабат

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ УШБУ ЛАВОЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Хуршид ҚОСИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Фурқат тумани суди раиси

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган туб янгиланишлар замирида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш каби юксак инсонпарвар мақсадлар мужассам. Шу маънода, суд-ҳуқуқ соҳасини демократик тамойиллар асосида замон талабларига мос ислоҳ қилишда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш вазифалари бош мақсад қилиб олингани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.



Жиноят ишлари бўйича судларда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар, жиноят ишлари, мансабдор шахсларнинг чиқарилган қарорлари устидан берилган шикоятлар ҳамда судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколати мавжуд. Бу, ўз ўрнида, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлариде яқка тартибда фаолият юритиётган бир судьянинг ўзига жуда кўп ишларни кўриб чиқиш вазифасини юкломқда ва бу фуқаролар томонидан ўринли эътирозларга сабаб бўлаётган эди.

Президентимизнинг 2024 йил 10 июндаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирларини тўғрисида”ги фармони судлар фаолиятида очиклик, шаффофликни таъминлаш билан

бирга фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини янада кучайтиради.

Хусусан, фармонга мувофиқ, Судьялар олий кенгашига Олий суд билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар тергов судьяси лавозимини жорий этилаётган судьяларнинг юқори малака ва масъулиятли кадрлар билан тўлдиришини таъминлаш юклатилди.

2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида иш бошлайдиган тергов судьялари жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масалалари, яъни қамқоқ олиш ёки уй қамқоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамқоқда сақлаш ёки уй қамқоғи муддатини узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланши ҳужжати) амал қилишини тўхтатиб туриш, мурдани экзумация қилиш,

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, ушлаб туриш муддатини 48 соатга қадар узайтириш ҳамда прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даввогар) кўрсатувларини олдидан мустаҳкамлаш тўғрисидаги ва бошқа илтимосномаларни кўриб чиқади.

Шунингдек, тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколати ҳам юклатилмоқда. Бу билан жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлар судьялари ўртасида иш ҳажми мутаносиблигини тўлиқ таъминлашга эришилади. Судьялар томонидан жиноят ишларини кўриш давомида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва ҳолисона текширилиши, тарафлар томонидан келтирилган илтимосномалар тўлиқ кўриб чиқилиши учун замин яратади.

Бундан ташқари, фармон билан тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунини ҳамда тергов судьясига оид судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Бунда тергов судьяларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек, судьялар корпусини шакллантириш қонунда белгиланган тартибга мувофиқ кенши, тергов судьясининг ташкилий фаолиятига раҳбарлик тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Ҳарбий суд раислари томонидан амалга оширилиши ҳамда қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинч-тувтувлигини таъминлаш тергов судьяси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Мазкур фармон асосида қонунчилигимизга янги киритилаётган ўзгартиришлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш ҳамда жиноят ишлари бўйича судларнинг иш юкломаси камайирилишига ҳамда судьяларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнларида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишида кенг имконият яратади.

Бандлик

ТОТУВЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ДАФТАР

Яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалида Навоий вилоятининг олис Учқудуқ туманида яшовчи Лола Хайриева иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Ушбу нуфузли тадбирда 63 давлатдан хунармандлар иштирок этганини инобатга олсак, эришилган ютуқ ҳар қандай эътирофга арзийди. Айниқса, бу юртимиздаги олис ҳудудларда ҳам миллий хунармандлик тобора ривожланиб, қўл меҳнати билан яратилган маҳсулотлар ўз қадрини топаётганидан далолатдир.

Вилоятнинг энг олис ҳудудларидан бири бўлмиш Учқудуқ туманида ишсиз хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб этиш ва касб-хунарга ўқитиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Лола Хайриева ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, заргарлик хунари бўйича ўқиди ва оилавий тадбиркорликка қўл урди. Айни вақтда нафақат туманда, балки вилоят миқёсида ҳам унинг қўл меҳнати намуналари анча машҳур. Халқаро фестивалдаги эътироф эса унинг номини жаҳонга танитди.

— Бу хунарга ёшлигимдан қизиққанман, аммо донийм шугуланиш имкони бўлмаган, — дейди заргар-хунарманд Лола Хайриева. — Бир неча йил аввал Учқудуқ туманига кўчиб келганимиздан

ди. Бу эса ҳудудда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин туттади. Бугунги кунда ана шундай йирик қувватларда меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз кўплаб топилди. Бугун улар ҳатто турли иختирулар қилиб, корхона ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Рисолат Эгамова Шимолий кон бошқармасига қарали марказий физика-кимёвий лабораториясида ишлайди. Шу билан бирга, у ўз уйида оилавий тадбиркорликни ҳам йўлга қўйган. Ишдан бўш вақтларида шоғирдлари билан турли маҳсулотлар тўқийди. Дастлаб пайпоқ, шапка, қўлқоп каби оддий нарсаларни буюртма асосида тўқиб юрган Рисолат ҳозир фаолиятини кенгайтириб, қўл меҳнати



кейин бу хунарни мукамал эгаллашни мақсад қилдим. Мутасаддилар томонидан менга барча шароитлар яратиб берилди. Навоий шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш марказида ўқиб, малака ошириб қайтдим. Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивалда турли давлатлар хунармандлик намуналарига гувоҳ бўлдим. Улар билан тажриба алмашидик. Қувонарлик, қўлда тайёрланган маҳсулотларимизни жаҳонга олиб чиқиш учун хорижий ҳамкорлар ҳам топдик. Фахрли иккинчи ўринни кўлга киритганим эса ҳаётимдаги энг қувончли дамлардир.

Учқудуқ саноатлашган туман бўлиб, бу ерда Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Шимолий кон бошқармаси жойлашган ва унинг тасарруфида кўплаб корхоналар фаолият кўрсата-

ди. Бу эса ҳудудда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин туттади. Бугунги кунда ана шундай йирик қувватларда меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз кўплаб топилди. Бугун улар ҳатто турли иختирулар қилиб, корхона ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Рисолат Эгамова. — Маҳсулотларимга буюртмалар кўпайгандан кейин шоғирдлар тайёрлай бошладим ва улар ҳам бу хунар сирларини ўрганиб, айни вақтда яхши даромад топтоқда. Қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар анча машаққат талаб этади, сифати юқори бўлади. Даромади ҳам яхши.

Учқудуқ тумани кейинги йилларда янада кўркамлашди. Ҳудудда кўп қаватли уйлар ва турли ижтимоий соҳа объектлари қад ростлади. Бу эса тад-

биркорлик ривожига ҳам туртки бўлди. Кўп қаватли уйларнинг биринчи қавати тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган фуқароларга ажратиб берилди. Шунингдек, туманга хорижий инвесторлар ва меҳмонлар оқими ортиши хизмат кўрсатиш йўналишини янги босқичга олиб чиқди. Туман марказида меҳмонхоналар кўпайиб, хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат юзага келди ва сифат даражаси ҳам ошди. Ушбу тадбиркорлар орасида хотин-қизлар ҳам фаоллик кўрсатаётгани қувонарлидир.

Улардан бири Шоира Ёдгоровна тижорат банк кредити ёрдамида кўркам меҳмонхона қуриб, 30 дан зиёд аҳолини иш билан таъминлади.

— Олис ҳудуд бўлса-да, Учқудуқ туманида туризм ривожланиб бормоқда. Қизилкум кенгликлариде жойлашган бу ҳудуднинг сайёҳларни қизиқтирадиган жиҳатлари, ўзига хошлиқлари кўп, — дейди тадбиркор Шоира Ёдгоровна. — Қолаверса, саноатлашган туманимизда йилдан йилга хорижий инвесторларнинг келиши кўпаймоқда. Шу омиларни ҳисобга олиб, хусусий меҳмонхона очиб қўришда бўлини бош мутахассиси Юлдуз Нормаматова. — Уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлиши ва банк кредити ёрдамида мақсадимга эришдим. Режаларим катта ва келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, бу ҳудудда меҳмонхоналар тармогини йўлга қўйишни ният қилганимиз.

Туманда эҳтиётиманд оилалар, жумладан, “Аёллар дафтари”да рўйхатда туривчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш энг бирламчи вазифалардан. Шу мақсадда яқинда дафтардаги ишсиз 17 хотин-қизга туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағлари ҳисобидан тикув машиналари олиб берилди.

— Туманимизда 460 аёл олти тоифага ажратилган ҳолда 5-босқич “Аёллар дафтари”га киритилди ва ҳозир уларга ҳар томонлама кўмак бериш чоралари кўриломоқда, — дейди Учқудуқ тумани хотин-қизлар бўлими бош мутахассиси Юлдуз Нормаматова. — Уларнинг 100 нафардан зиёди ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, 40 нафари банкдан кредит олиш истагини билдирган ва 161 нафари буюқвичисини йўқотган. Шунингдек, 100 нафари имконияти чекланган ва 72 аёл қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзандлари бор оналардир. Уларнинг ҳар бирига манзилли кўмак кўрсатилиши натижасида ҳозиргача 71 нафари ишга жойлаштирилди ва 141 нафари касб-хунарга ўқитилди ҳамда 20 нафарига турли меҳнат жиҳозлари учун субсидиялар ажратилди. Ушбу ишлар тизимли равишда давом этмоқда.

Мутасадд айтганда, олис Учқудуқ туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тумани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш йўлидаги ташаббуслар ҳамон манфаати ва фаровонлигини оширишга аҳимат қилаёттир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро ҳамкорлик

ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИОРЛАР ЖИЗЗАХГА САРМОЯ КИРИТИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ?



Эргаш СОЛИЕВ, Жиззах вилояти ҳоқими

Бугун Хитой мамлакатимиз ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Стратегик шерикларимиздан бири ва энг асосий савдо-иқтисодий ҳамкоримиз.

Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоясини сўнги йилларда 10 миллиард доллардан ошди. Муҳим қўшма лойиҳалар илгари сурилмоқда. "Хитой — Марказий Осиё" газ қувурининг барча йўлига Ўзбекистон ҳудудидан ўтди. Қамчиқ довони орқали юртимизда энг узун темир йўл туннели фойдаланишга топширилди. "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" автомобиль йўлига ва "Хитой — Қозғоғистон — Ўзбекистон" темир йўлининг ўтказувчанлик салоҳияти эътироф этилмоқда.

Яқинда Пекин шаҳрида "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди. Ушбу лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва жанубий йўлак билан Форс кўрфазига давлатларига юк ташини ҳамда ушбу йўналишларда савдо географиясини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим коммуникация марказига айлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хитой айни пайтда дунё сиёсат майдонида ўз ўрни ва овозига эга, иқтисодий юксалиш ва ялпи маҳсулот ҳажми бўйича етакчилардан. Мана шундай қудратли давлат билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган мамлакатимиз учун ҳар томонлама фойдали. Ҳозир Ўзбекистон — Хитой

Ўзбекистон ва Хитой дунё тамаддуни тарихида ёрқин из қолдирган қадимий давлатлар. Хан сулоласи ва Фарғона водийсидаги Паркана давлати орасидаги илк дипломатик алоқалар эраимиздан олдин йўлга қўйилган. Аммо томонлар ўртасидаги муносабатлар энг ривожланган палла Буюк ипак йўли гуллаб-гашнаган пайтга тўғри келади. Ушунда Чин ипаги, қоғози, чинниси, чойи ва бошқа товарлар Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар орқали Европага етиб борган. Хитой, Марказий Осиё ва Европа орасидаги билимлар алмашинуви ҳам Буюк ипак йўли орқали кечган.



ҳамкорлик муносабатлари кенг қўламли аҳамият касб этиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилган.

Узаро ҳамкорлик йилдан йилга ривожланмоқда. Жумладан, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш 50 фоиз ошди, 14 миллиард долларга етган. Келгусида бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Бугун Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида 2 минг 300 дан орტიқ корхона ташкил этилган. Биргина Жиззах вилоятида Хитой корхоналари иштирокида 40 та қўшма ва хоржий корхона очилган. Буларнинг 8 таси қишлоқ хўжалиги, 25 таси саноат, 7 таси хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритмоқда.

Ҳозир шиддатли тус олаётган геосийосий жараёнлар ҳар бир давлатдан ташқи сиёсий ва иқтисодий майдонда фаол бўлишни талаб этмоқда. Шу маънода, янги Ўзбекистон халқаро муносабатларининг энг фаол ва ташаббускор, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаби

Президентимизнинг жонажон халқимиз ва юртимиз манфаатини кўзлаган ҳолда узоқни ўйлаб, асосланган таҳлилларга таяниб юриётган очиқ, прагматик, дўстона руҳдаги сиёсати самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил аввалида Хитойга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларини янги поғонага кўтарди. Жумладан, Президентимиз Хитойнинг "BYD" компанияси бош қароргоҳи ва технология марказига ташриф буюриб, Жиззах вилоятидаги гибрид ва электр автомобиллари биргаликда ишлаб чиқаришга старт берди. Бундан ташқари, ташриф арафасида Жиззах вилояти делегацияси хитойлик ҳамкорлар билан 3,8 миллиард долларлик инвестициявий келишувларга эришганди. Айни пайтда бу борада 23 та лойиҳа, жумладан, "Нухаин Cement Jizzakh" МЧЖ ХКнинг Зафаробод туманида қиймати 150 миллион долларлик цемент, "Tianshan Industries" МЧЖнинг Форш туманида қиймати 2,5 миллион долларлик оҳак, "Jizzax Dong Sheng" МЧЖ ХКнинг Фал

лаорол туманида қиймати 3,5 миллион долларлик пишган гишт, "Phamatech JV" МЧЖнинг Жиззах шаҳрида қиймати 4,5 миллион долларлик тиббий буюмлар, "MIN YUAN SILU" МЧЖ ҚКнинг қиймати 55,1 миллион долларлик безакли ойна ишлаб чиқариш лойиҳалари йўлга қўйилмоқда.

Жиззах вилоятининг Хитой билан умумий савдо айланмаси ҳам йилдан йилга ошаётгани иқтисодий алоқалар қўламини кенгайтириб бораётганидан дарак беради. 2023 йил мобайнида савдо айланмаси 732,1 миллион долларни ташкил этди. Шундан экспорт қиймати 35,8 миллион, импорт ҳажми эса 696,3 миллион долларга тенг бўлди.

Мазкур кўрсаткични янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йил 1-9 июнь кунлари Жиззах вилояти делегацияси хизмат сафари билан яна бир бор Хитойга борди. Бу сафар икки давлат, хусусан, Жиззах вилояти ва Хитойнинг йирик шаҳарлари ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ҳамкорлик, стратегик шериклини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Икки томонлама келишувларда хитойлик ишбилармонлар билан вилоятимиз тадбиркорлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда маъмуриятдаги илгор технологияларни олиб кириш йўли билан ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қатор келишувларга эришди.

Хусусан, "Zhong Wang Group" компанияси билан қиймати 250 миллион долларлик мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш, "XiangHe Zhechen Co.Ltd" компанияси билан қиймати 100 миллион долларлик автомобилларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, "Xin Hen Chang" компанияси билан қиймати 10 миллион долларлик товуқ гўшти ва тухуми етиштириш, "Qianwang Group Co.Ltd" компанияси билан қиймати 20 миллион долларлик электр скутерлар ишлаб чиқариш лойиҳаси шулар жумласидан. "Hongyuan Dong Sheng Stone Co. Ltd" компанияси вилоятимизда мрамр карьерини ишга тушириш бўйича қиймати 150 миллион долларлик лойиҳа бошламоқчи. Бу лойиҳалар амалга охша, минглаб юртдошларимиз доимий иш билан таъминланади.

Сафар доирасида Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасида "Huabe International Business services" компанияси вакиллари ва элчихона ходимлари ташаббуси билан форум ташкил этилди. Форумни мамлакатимизнинг Хитойдаги элчиси Фарҳод Арзиев очиб, икки давлат ўртасидаги яқин қўшнчилик, дўстлик



ва ҳамкорликка юқори баҳо берди. Форум иштирокчиларига вилоятимиз салоҳияти, ресурси ва имкониятлари ҳақида кенг маълумот берилди. Ҳудуд салоҳияти акс этган тақдирот намойиш этилди. Қатор соҳалар бўйича ҳамкорлик битими имзоланди.

Шу кунги Тяньцзинь университетиде бўлиб, ОТМ раҳбарияти билан учрашди. Университетда 500 профессор-ўқитувчи ишлайди, 11 мингдан зиёд талаба тахсил олади. Унинг дунёда 22 та филиали мавжуд. Университет раҳбарияти 2025 йилда Жиззах вилоятида ҳам филиал очиб тақлифини билдирди.

Университетда ўқитиладиган билимларнинг асосий драйверлари робототехника, яшил энергия, инновация, IT, 3D чоп этиш (принтер) ҳамда электротехника соҳасидир. Хитойдаги энг йирик 3 та инновацион марказдан бири ушбу университет ҳудудида жойлашган. Бундан ташқари, имконияти кенг лаборатория ҳамда университет хузурида олимлар ва талабалар амалиёт ўташи учун Тяньцзинь инновацион парки мавжуд.

Хизмат сафаримизнинг охири кунлари Шинжон-Уйғур автоном ҳудудида ўтди. Делегациямиз Халқ ҳукумати раиси Эркин Тунияз қабул қилди. Қабул давомида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида суҳбатлашди. Жиззах вилоятининг географик жойлашуви, аграр ва саноат ишлаб чиқариш корхоналари, имкониятлари ва хоржий тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб бердик. Келгусида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олдик.

Орадан бир кун ўтиб, Урумчида Жиззах делегацияси учун бизнес-форум ташкил этилди. Форумда икки томонлама меморандум ва шартномалар имзоланган маросими бўлиб ўтди. Жумладан, Зафаробод тумани ҳокимлиги "Xinjiang Shihezi Jingyuan Agricultural Technology Co., Ltd" компанияси билан қалампир етиштириш бўйича музокара олиб борди. Лойиҳада катта ер майдони назарда тутилгани ҳисобига, уни амалга оширишда Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор ҳамда Зарбдор туманларидеги бўш ердан фойдаланиш эътиборга олинди.

Мирзачўл тумани ҳокимлиги пахтани қайта ишлаш бўйича "Urumchi Shiruntong Chemical Technology Co., Ltd." компанияси вакиллари билан музокара олиб борди. Мазкур компания вакиллари июль ойида Жиззахда кутиб олишга келишиб олинди. Шунингдек, қолган шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда тадбиркорлар хитойлик ишбилармонлар билан музокара олиб борди.

Хитойга самарали хизмат сафаримизда томонлар ўртасида кооперация янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли шериклини кенгайтириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлини янги босқичга олиб чиқиш бўйича истиқболли келишувларга эришилди. Бу вилоятимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, тадбиркорларимизнинг жаҳон бозорига чиқиши, янги инфратузилмалар яратиш, инвестициявий муҳит шакллантириш, юқори технологияларни олиб келиш орқали Жиззахнинг илмий ва саноат ишлаб чиқариш жозибдорлигини ошириш каби улғувор вазифаларни ундашда муҳим қадам бўлиб қолади.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ УЧУН ТЕНГ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Дунёда ҳар бир халқнинг ўзига хос ғояси бўлади. У ёзилмаган бўлса-да, жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Қадриятлар шаклланишида етакчилик қилади. Биз уни гоҳида қадриятлар мажмуи деб атаймиз. Шу сабаб жамиятдаги барча ҳаракатлар уша ғоя сари йўл очаверади. Халқимиз тафаккурида инсонпарварлик, тенглик, адолат ва ҳикмат устуворлик қилади. Биз лўнда қилиб адолатли жамиятда бошқаларга кўмак бериб, ўзликни англашга интилиш дея ифодалаш ҳам мумкин. Халқимизнинг ижтимоий давлат тушунчасини жуда тез қабул қилишининг сабаби шунда.

Дастлаб янги таҳрирдаги Конституциямизда мамлакатимиз ижтимоий давлат деб эътироф этилди. Қисқа вақт ичида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Мақсад — фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш. Шунга кўра, янги агентлик мисолида халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизими жорий этилди.

Бу борадаги вазифалар 2024 йилга мўлжалланган давлат дастурида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтган қисқа вақт ичида давлат дастуридаги вазифаларнинг амалга ошириши оидий одамлар ҳаётида ижобий натижа кўрсата бошладилар. Масалан, Бухоролик Гулбаҳор Ибодуллоева дуч келган муаммо яратилган имкониятлар сабаб осонликча ечим топди. Вобент тумани Шифокор маҳалласида яшовчи Г.Ибодуллоева олий маълумотли мутахассис. Афсуски, у иш сўраб борган айрим корхона ва ташкилотлардан рад жавобини олди. Сўнг "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилди.

— II гуруҳ ногирониман, лекин бошқаларнинг қўлига қараб ўтиришни истамайман, — дейди Г.Ибодуллоева. — Қурбим, билим ва салоҳиятим етадиган вазифани бошқалар қатори бажаргим келади. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази кўмаги билан туманимиздаги Фавқуллода вазиятлар бўлимига ишга қабул қилиндим. Ҳозир у ерда операторлик вазифасини бажариб.

қийин вазиятда қолган юртдошларимизга кўмак гуруҳини йўналтириш. Малакали ҳаммасларимдан соҳа сирларини ўрганилган. Юртимиздаги ижобий ўзгаришларни ўз ҳаётим мисолида ҳис этиб, доим қувонаман.

Албатта, Гулбаҳор Ибодуллоева каби юртдошларимиз тенг ҳуқуқли шахс эканини юракдан ҳис этиши, уларга амалда кенг имкониятлар яратилиши катта воқеа. Бошқаларга яхшилик соғинишдек инсоний фазилатнинг энг гўзал кўриниши. Қувонарлиси, бу сай-ҳаракатлар сиёсий тус олди. Давлат дастурида имконияти чекланган шахсларнинг ишга жойлашиш билан боғлиқ масалаларга тўла ечим берилган. Бу борада йил бошидан буён бир қанча вазифалар ҳам бажарилди.

Жумладан, "vacansy.args.uz" ахборот порталида имконияти чекланган номзодлар учун тегишли қўлайликлар яратилди. Мазкур порталда давлат органлари ва ташкилотларидеги вакант лавозимлар учун номзодлар очиқ танлов олинади. Ундаги шаффофлик ва барчага тенг имконият берадиган очуқлик энди то маънода ижтимоий давлатнинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

— Давлат дастурида кўрсатилганидек, "vacansy.args.uz" платформаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тиббий ижтимоий экспертиза комиссиясининг реестри билан интеграция қилинди, — дейди Тараққиёт стратегияси маркази бўлим бошлиғи Нилуфар Дониёрхўжаева. — Ногиронлиги бўлган шахс-



лар ушбу платформадан тўла фойдалана олиши учун техник имкониятлар ишлаб чиқилди. Қолаверса, шу тоифадаги фуқаролар шахсий маълумотларини шакллантиришда ногиронлигини кўрсатиш имконияти яратилди. Бу келгусида иш бериуви билан юз бериши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган фуқаролар учун платформадан эълон қилинган танловларни саралаш тизими жорий этилди. Мазкур имконияти осонлаштиради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, иш бериувчилар ногиронлиги бўлган шахсларга қандай эътибор қаратади? Юртдошларимиз Гулбаҳор Ибодуллоева каби сарсон бўлмайдими?

Қувонарлиси, ушбу жиҳатлар ҳам эътиборга олинган. Умуман, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қатор давлат идоралари билан биргаликда ногиронлиги бўлган 20 мингдан ортиқ шахс бандлигини таъминлаш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйди.

Энди вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ва тасарруфидеги ташкилот ва мусассалар, ҳокимликлар доим ногиронлиги бўлган шахслар учун вакант лавозимларга очиқ танлов эълон қилиб боради. Мазкур ҳамкорлик икки босқичда амалга оширилади. Унга кўра, дастлаб 1 йилга қадар ногиронлиги бўлган 10 минг шахсни давлат идоралари ва ташкилотларида, қўшимча 1000 нафарини эса тижорат банкларида бандлиги таъминлангани тежорат қилинган.

Нилуфар Дониёрхўжаеванинг маълумот беришича, бу борада белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилимоқда ва ярим йиллик якунига қадар режа тўлиқ ода этилди. Бундан ташқари, кейинги босқичда ногиронлиги бўлган яна 10 минг шахсни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Мақолани ёзишга киришган, vacansy.args.uz платформасида имконияти чекланган шахслар учун вакант ўринлар бўлимига излаш бўй-руғини бердик. Натияжада директор, бош хисобчи сингаги лавозимлардан тортиб, фаррош ва боғбон каби вазифаларга иш ўринлари мавжуд экан.

ҳолатига кўра, 1 миллион 209 минг 936 та оила ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам берилган. Янги тизим жорий этилган, мазкур турдаги нафақа ва ёрдам пулларини беришдан олдин оилалар чўқур ўрганилмоқда. Айрим ҳолларда баъзи шахсларнинг бандлигини таъминлаш орқали мазкур рўйхатдан чиқарилмоқда. Уларнинг ўрнига маблағ ҳақиқатан муҳтож бўлган шахсларга йўналтирилмоқда.

Бу ҳам оддий инсонлар ҳаётида ўз аксини кўрсата бошлади. Масалан, Жиззах шаҳрининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Барно Тўйчиевнинг тўрт фарзанди имконияти чекланганлар тоифасига киритилган. Бугун ушбу оила доимий эътиборда. Бу оила вакиллари давлат томонидан бериладиган ёрдамга қараб ўтиригани йўқ, Барно опанинг кенжа фарзанди Гулнора оиласига моддий кўмак бериш мақсадида тақинчоқлар ясаб билан шугулланади.

— Ававал мен бошқалар қатори юрардим, — дейди Гулнора. — Бир кунда оёқдан қолдим. Уша вақтда тушкунликка тушиб, уйга қамалиб, ёлғиз ўзим тикувчилик билан шугулланардим. Кейин интернетдан тақинчоқлар ясашни ўргандим. Ҳозир ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимга ўзим ясаган тақинчоқларнинг расмини қўйиб бораман. Кузатувчилар доим ижобий фикр билдириб, қўллаб туради. Бу ҳам одамга далда беради. Энг муҳими, синлар нафақа оласизлар, шунинг ўзи катта ёрдам, деб ташлаб қўйишмади. Давлатимиз томонидан менга электрда юрадиган аравача совға қилинди. Ҳозир бемалол кўчаларга ўзим айланиб чиқиб келаман. Шу аравача сабаб яна одамлар даврасига қайтдим, десам ҳам бўлади. Очиги, шу пайтгача бизга ҳеч ким келиб, нима ёрдам берайлик, деб сўрамаган эди. Ўтган йилдан бошлаб янги ташкил қилинган "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходимлари тез-тез хабар оладиган бўлди. Қандай ёрдам керак бўлса, уларга бемалол мурожаат қилимиз.

Бу йил 34 ёшга кираган Гулноранинг орзулари бисёр. Чунки у доимий эътиборда, давлат ҳимоясида эканига ишончи қомил бўлди. Шу боис, орзулари чегара билмайди. Тақинчоқларини кўпроқ оммалаштирсам, бирор тадбиркор кўмағида уларни сотиш кўламини оширсам, дейди.

Мақола аввалида халқимиз ўзгаларга яхшилик соғиниб яшаши ҳақида айтган эдик. Қадрият ҳисобланган ушбу фазилат бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. У Бош қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилгани баробарида давлат дастурида асосий вазифалар қаторидан жой олди. Шунинг ўзидеги бугунги ўзгаришлар халқ иродаси билан амалга оширилганини кўрсатади.

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Ислохотлар самараси

ХОМАШЁНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ХОРИЖГА ФАҚАТ ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТАШАББУСИ ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бегда


Юқорида қайд этилган, Ўзбекистон жаҳоннинг энг кўп пахта етиштирадиган ва экспорт қиладиган давлатлари қаторига кирсада, собиқ шўролар даврида мамлакатимизда пахтанинг бор-йўғи 8 фоизи қайта ишланарди, холос. 2016 йилга қадар бу борада муайян тадбирлар кўрилди. Лекин бу даврда маъзур тармоқдан хорижга экспорт, асосан, пахта толаси ва ип-калага шаклида амалга оширилган эди. Ҳолбуки, пахта толасини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида бозорга чиқариш уни тола ва ип-калага сифатида сотишга қараганда бир неча баробар кўпроқ фойда келтирарди.

Пахта толасини ўзимизда чуқур қайта ишлаш, ундан сифатли, арзон ва харидор-гир тайёр товарлар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғи ривожига янги даврни бошлаб берди. Унда тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш асосида жадал ривожлантириш, пахта толаси, ипак хомашёсини чуқур қайта ишлашни таъминлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кескин ошириш бўйича катта вазифалар қўйилди. Қарорда корхоналарга имтиёзли кредит ҳамда солиқ ва боғнона имтиёзлари, преференциялар бериш, микрофирмалар, кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи тўлаш, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш каби вазифалар белгиланди.

Кейинги йилларда Президентимизнинг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2017 йил 14 декабрь), “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2019 йил 16 сентябрь), “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (2023 йил 10 январь) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида соҳани жадал ва тизимли ривожлантириш билан боғлиқ ўта муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Тармоқда шиддатли ўсиш

Тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар соҳанинг шиддатли ўсишига асос яратди. Шу вақт мобайнида тармоқда юзлаб йирик замонавий корхоналар ишга туширилди. Янгидан ташкил этилган кичик корхона ва цехлар бундан бир неча баробар кўп бўлди.



Бундан ташқари, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари” дастурлари орқали минглаб оилалар тикув машиналари билан таъминланди ва иш бошлади. Чекка-чекка қишлоқларда фабрикаларнинг буюртмалари билан уйларида кичик тиймаётган ёки ўзлари мустақил иш-



лаётган тикувчилар ҳам жуда кўп ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

Умуман олганда, бугун тўқимачилик соҳасида 6 мингдан кўп хўжалик субъекти мавжуд, уларда 570 минг киши ишлайди. Мамлакатимизда саноат тармоқлари ичида тўқимачилик соҳаси энг кўп иш ўринлари яратмоқда, ишловчилар сони бўйича ҳам биринчи ўринни эгалламоқда.

Пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг жаҳоннинг илгор давлатларида самарали эканини кўрсата олган ягона кластер тизими ташкил этилди. Натижада бугун пахта хомашёсининг 100 фоизи улар томонидан етиштирилмоқда. Давлат кластерларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Натижада 2016-2023 йилларда тўқимачилик саноатида

туб миқдор ва сифат ўзгаришлари юз берди. 2023 йилда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 7 йилда жиддий сакраш қилди, яъни 22,4 триллион сўмдан 94 триллион сўмга етди ёки 4,2 баробар ошди.

Шу давр мобайнида тармоқда экспорт ҳажми 3,3 баробар кўпайди. Экспорт таркибида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда. 2016 йилда тўқимачилик маҳсулотлари жами экспорти 916,2 миллион долларни ташкил қилиб, унинг асосий қисми, яъни 506,8 миллион долларни ёки 55,3 фоизи ип-калага ҳиссасига тўғри келган. Тайёр тўқимачилик маҳсулотларининг улуши 31,9 фоизга тенг бўлган, холос.

Орадан 7 йил ўтиб, яъни 2023 йилда экспорт таркибида ип-калаганинг ҳиссаси кескин қисқариб, 41,1 фоизга тушган, тайёр маҳсулотлар улуши эса 43,1 фоизга етган. Бу рақамлар тармоқ ип-калага каби ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтаётганидан далolat беради.

Барча қитъалар забт этилмоқда

Кейинги 7 йилда ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг сифати кескин ошгани ва барча кўрсаткичлар бўйича кўпчиликка маъмул бўла бошлагани хорижий давлатларда уларга эҳтиёж ҳам кескин ортишига сабаб



2023 йилда бу кўрсаткич 12,5 фоизга етди. Хорижга 639 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилинди. Булар жуда катта натижа, чет давлатларда товарларимизга қизиқиш тобора кенгайиб бораётган ва шу боис, яқин келгуси даврда тўқимачилик маҳсулотларини сотиб олаётган давлатлар сони янада ортиши аниқ.

Ўзбекистонда тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт географиясига назар солсак, унинг, ҳақиқатан, дунёни эгаллаб бораётганига гувоҳ бўламиз. Маҳсулотларимиз жаҳоннинг барча қитъаларига жўнатишмоқда. Европанинг Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Португалия, Испания, Нидерландия каби 27 давлатда кийимларимизни севиб кийишмоқда. Америка қитъасининг АҚШ, Канада, Бразилия каби 8 давлатда маҳсулотимизни сотиб олишмоқда. Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби 20 дан ортиқ давлатда тўқимачилик маҳсулотларимиз алақачон ўз харидорларини топган. Ҳатто олд Африка қитъасининг Миср, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Тунис давлатларида “Ўзбекистонда тайёрланган” бренди маълум ва машҳур бўлиб улгурди.

Шу тариқа ўрта асрларда гуркираб ривожланган ва кейинчалик турли сабабларга кўра таназзулга юз тутган қудратли тўқимачилик маркази қайта тикланди!

Энг яхши барометр — бозор

Халқимизда “Шаҳар ёки мамлакатнинг аҳолини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига кириб кўргин” деган нақл бор. Мамлакатда муайян ишлаб чиқариш тармоғи қай даражада ривожланганини ҳам бозор ва дўконларда дарҳол сезиш мумкин. Масалан, 2016 йилгача бўлган даврда дўкон ва бозорларимизда

сотилаётган кийим-кечакнинг мутлақ катта қисми импорт маҳсулот эди. Аста-секин дўконларнинг бир четиди Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ички кийимлар, сочқ, болалар кийимлари каби оддий маҳсулотлар пайдо бўла бошлади. Улар сифатли ва арзон эди. Шу боис, харидорлар энди ўз маҳсулотларимизни сотиб ола бошлади. Кейинроқ маҳсулот турлари кескин кенгайди — дўконларда ўзимизда тикилган бежирим ва арзон аёллар, эркаклар ва болалар кўйлаклари, костюм-шyimлар пайдо бўлди.

Шу тариқа Ўзбекистонда тикилган кийим-кечак юртимиз бозорларини эгаллаш бошлади. Тўқимачилик саноати гуркираб ривожланиб, ишлаб чиқариш ҳажми тинмасдан ошиб борди. Энди корхоналар хорижга экспорт қилиш йўлиларини қидира бошлади. Дастлаб Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Украина каби давлатларга кийим-кечак экспорти бошланди. Кейинчалик маҳсулот экспорт қилинаётган давлатлар сони ошиб борди, мато ва кийимларимиз барча қитъаларни забт этди.

Бугун баралла айтишимиз мумкинки, халқимизнинг асосий қисми ўзбек тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини киймоқда. Улар бежиримлиги, қулайлиги ва арзон нархи билан Ўзбекистон бозорларидан импорт маҳсулотларини деярли сикиб чикарди.

Келгуси режалар

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида тўқимачилик соҳасини жадал ривожлантириш борасида кўзда тутилган мақсадларга етиш учун 2024 йил 16 апрель кунин Президентимиз расмий раёсидида тўқимачилик соҳасида экспорт ва инвестиция ҳажмларини ошириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида қатор вазифалар белгиланди. Жумладан:

— “А” рейтингини бозор тадбиркорларга ҳам иккинчи йил давомида қўшилган қиймат солиғини қайтариш бўйича бир қунда хулоса бериш тизимини ишга тушириш;

— хориждаги “эркин зоналар”нинг омборларини ижарага олиш, бўялган мато экспорт қилган корхоналарга хорижий валютада кредит ажратиш тизимини жорий қилиш;

— тадбиркорлар рейтингини “А” тоифадаги экспортчи корхоналарга аккредитивни гаровга олиш ва унинг 70 фоизи миқдорига айланма маблағ учун кредит ажратиш тизимини йўлга қўйиш;

— тўқимачилик корхоналарига объектларни ўз кучи билан қуришга рухсат бериш;

— газлама, бўяш-пардозлаш, тайёр тикув-трикотаждаги 10 миллион долларгача бўлган лойиҳалар учун чет эл валютасида олинган кредитлар бўйича фойза харажатларининг 6 фоиздан юқори қисмини компенсация қилиш;

— тўқимачилик корхоналари айланмаси учун берилган кредитларнинг қайтариш муддатини узайтириб, тадбиркорларга график бўйича ўз вақтида қайтариш суммага тенг миқдорда револьвер кредит бериш.

Тўқимачилик уюшмаси фаолиятини янада фаоллаштириш мақсадида Кластерлар уюшмаси ва Тўқимачилик уюшмаси бирлаштирилиб, “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” ягона тизими яратилди. Уюшмани тўқимачиликнинг ҳар бир йўналишидаги тадбиркорлардан иборат кенгаш бошқаради.

Уюшма кластерлар ва тўқимачилик корхоналарига маҳсулот, инвестиция, экспорт ва иш ўринларини қўпайтиришга қўмаклашиши, брендлар билан ишлашнинг яхлит тизимини йўлга қўйиши, халқаро сертификатларга эга экспортчилар сонини ошириши, етакчи сорсинг, бренд ва ритейлерларни жалб қилиши, Европа давлатларида кен қамровли тарғибот тадбирларини ўтказиши назарда тутилди. Шунингдек, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида кластерларда тадқиқот (R&D) гуруҳлари ташкил этилди.

Умуман олганда, мамлакатимиз тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг барқарор ва шиддатли ривожини давом этди. Тармоқни ривожлантириш дастурида 2025 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 15 миллиард, экспортни эса 7 миллиард АҚШ доллари миқдорига етказиш, қўшимча 500 мингга янги иш ўрни яратиш режалари белгилаangan. Пировард мақсад хомашёни чуқур қайта ишлаб, ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хорижга фақат тайёр маҳсулот экспорт қилишдир. Бунинг учун халқаро бозорда харидорлар бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Сифатни янада ошириш мақсадида тўқимачилик соҳасидаги халқаро стандартларга ўтилади.

Мамлакатимиздаги туб ислохотлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, ўзбек пахтасига бойкот бекор қилинди ҳамда 2021 йил 10 апрелдан Ўзбекистон GSP+нинг умумий преференциялар тизими бўйича бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинди. GSP+ тизими ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланган давлатларга экспорт қилинадиган товарларга тарифларни тўлиқ бекор қилиш имтиёзини таъдими етади. Бу ҳам ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари экспортчи янада ўсишига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, янги Ўзбекистон иқтисодий сисъатидида бошланган туб ўзгаришлар тўқимачилик саноатининг ҳам қийфасини буткул ўзгариб юборди, уни саноатнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айлантирди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаган вазифалар тўқимачилик тармоғининг мамлакатимиз иқтисодиёти драйверларидан бири эканига доир мақомини янада кучайтирди. Яқин келгуси даврда соҳада юз минглаб янги иш ўринлари яратилди, унинг халқимиз фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспортдаги аҳамияти янада юксалади.

Бунёдкорлик



Сой ўзани Бойсун тумани марказидан қуйироқда иккига бўлинади. Бандихонда ўзлар биллашиб, Кофрун номили дарёга айланиб оқади. Қуйироқда эса кўп сонли сойларга бўлиниб кетади. Улардан энг каттасини қуруқ ўзани Тақирқўлсой деб аташади. Дарё қор суви билан ҳам тўйнади.

Асрлар давомида бу дарёнинг беминнат саховати ортидан қанчадан қанча бог-роғ бунёд этилган бор гап. Аммо баҳор ва ёз ойларидида сел тошқини кўплаб боғларга, чорва молларига, аҳоли турар жойларига хавф солишини ҳам бу ердагилар яхши билади.

Дарё қуйиго оққани сари Бандихон ҳудудига келганда сингиб кетади. Егингарчилик

СУРХОНДАРЁДА ЯНА БИР СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛМОҚДА

Келганлар билади: Бойсунда Ҳангаронсой деган дарё бор. Ҳисор тизмасининг жанубий тармоқлари бўлган Кетмончопти тоғлари этагидаги булоқлар сувидан шаклланиб, Кофрун қишлоғига оқадиган сой шу ном билан маълум ва машҳур.

кўп қузатилганда сел тошқини юзага келади. Бу хавфнинг олдини олишнинг энг мақбул ечими Ҳангаронсойдан оқиб келувчи сувни бир жойда йиғиб, ундан мақсадли фойдаланишдир. Бир неча авлод шу орзу билан яшади.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ шу ишга қўл урилди. Сув омборини қуриш ишлари икки босқичда бажарилди. Дастлабки ишлар 1999-2006 йилларда амалга оширилган бўлса, 2010 йилга келиб, кейинги босқич учун лойиҳа тайёрланди. Унга кўра, 2011 йилдан ишлар давом эттирилди. 2016 йилдан сўнг эса бир неча ўн йилдан бери қурилиши битмаётган ишлар жадаллашди. Реал ташаббуслар илгари сурилди. 2020 йилгача қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилди. Айни пайтда иншоотда қўшимча қурилиш ишлари

бажарилмоқда. Жорий йил сентябрда эса сув омбори тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Мазкур сув омбори Бойсун тумани марказидан 11 километр узоқда, Ҳангаронсой ўзанида барпо этилди. Айни пайтда улкан сув йиғиш иншоотида 1,5 миллион куб метр сув жамланди. Шу пайтга қадар баҳор ойларидида пишиқиб оққан сел суви Ҳангаронсой, Кофрун, Лайлаксой ҳамда Бандихонсой қирғоқларини емириб, аҳоли яшаш пунктларига ҳам жиддий зарар етказарди. Энди бу жилговиз сойлар суви бир жойда жам бўлмоқда. Мутахассислар фикрича, ушбу лойиҳа амалга оширилиши тўғрисида ҳудудда сув танқислиги муаммоси ечилади.

— Сурхондарё вилоятида бугунга қадар 5 та сув омбори мавжуд эди. Ҳангаронсой —

олтинчи сув омбори. Қишлоқ хўжалигида унинг алоҳида ўрни бор. Бу ерда сув йиғилди.

Бойсун, Бандихон туманлари аҳолисига босқичма-босқич етказиб берилади. Масалан, бу йил егингарчилик мўл бўлди. Шу билан бирга, сел тошқини ҳам қузатилди. Шундай шароитда янги қурилган сув омбори аҳолига яхшиликка хизмат қилди, — дейди “Сурхондарё сув қурилиш инвест” давлат муассасаси бош муҳандиси Шохмардон Қулматов. — Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 16-17 ноябрь кунлари Сурхондарёга ташрифи давомида Бойсун туманидаги сифими 6,1 миллион куб метр бўлган Ҳангаронсой сув омбори қурилишини жорий йилнинг баҳорги сел тошқини давригача якунлаш бўйича тегишли топшириқ берилган эди. Айни кунларда мазкур сув иншоотида

охирги босқичда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якуни билан ушбу сув омбори тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳангаронсой сув омборининг географик жойлашуви тоғли ва тоғолди ҳудудда бўлгани боис, уни барпо қилишда, аввало, хавфсизлик техникаси меъёрларига тўлиқ амал қилинди. Унинг қурилишида 1,5 миллион куб метр ер ишлари, 9,8 минг куб метр бетонлаш ва 3 метр ер ости ишлари бажарилди. Энди бу жойда тўпланадиган 6,1 миллион куб метр обихаёт аҳоли томоқларига ва қишлоқ хўжалик майдонларига етказиб берилади. Дарвоқе, тўғоннинг узунлиги 476, баландлиги 45 метрга тенг. Ушбу сув сақлаш иншоотини бунёд этишга 60,7 миллиард сўм сарфланди.

— Бу ерда фавқулодда вазиятларда сув ташлаш имконини бевури қўшимча иншоот бунёд этилади. Дамбаларнинг куйи қисмида 6 та қузатув қудуғи қурилади, — дейди иш бошқарувчи Тўлқин Холиқов.

Янги гидрориншоот ишга тушиши билан Кофрун қишлоғи ҳудудидида 500 гектар ламми майдон ўзлаштирилади. Бундан ташқари, Работ массивидида 300 гектар ерга насос ёрдамида сув чиқарилиб, самарали суғориш тизими йўлга қўйилади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Давлат инсон учун

Тизими билан интеграция қилиш бўйича ишлар бажарилмоқда.

Шунингдек, шаҳар ва туманларда ёнғин хавфсизлиги, экологик, сейсмологик, гидрометеорологик вазиятни мониторинг қилиш тизимларини "Хавфсиз шаҳар" тизимига интеграциялаш, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини рақамли бошқаришда йўл ҳаракати мониторингини ташкил қилиш, транспорт воситасининг давлат рақами белгиларини аниқлашда интеллектуал фото ва видео қайд этиш интеграциялашган тизимларини жорий этиш кўзланган.

Туризм жаҳон иқтисодиётида жадал ривожланаётган ва энг даромадли тармоқлардан бири. Мамлакатда туризм ривожини аҳоли бандлигини таъминлаш, транспорт, алоқа, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўрсаткичга соҳалар, умуман, иқтисодиётнинг юксалишига асос бўлади. Бу аҳолининг умумий иқтисодий фаровонлигига муносиб ҳисса қўлиши баробарида халқаро иқтисодий-саноат, иқтисодий ва маданий алоқалар яхшиланишига хизмат қилади. "Хавфсиз шаҳар"да "Хавфсиз туризм" йўлга қўйилгани сайёҳлар оқимининг янада кўпайишида бош омили бўлади.

Маҳалла ёш авлод учун азалдан эгулик бешиги, тарбия ўчоғи бўлиб келган. Инсон-жами 172 дона шахсни идентификациялаш ва 2205 дона йўналтирилган видеокузатув камераси ўрнатилиш кўзда тутилган, — дейди Улугбек Куланов. — Видеокузатув ва шахсни идентификациялаш тизимларини монтаж қилиш ҳамда имтиҳон ўтказиш вақтида тизимларни техник қўллаб-қувватлаш ишлари аўтосоринг асосида бажарилмоқда.

Ҳозир "Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази томонидан видеокузатув қурilmаларини жойларга етказиш ва монтаж ишлари якунланмоқда.

Маҳалла ёш авлод учун азалдан эгулик бешиги, тарбия ўчоғи бўлиб келган. Инсон-

Маҳаллалардаги нотинч хонадонлар, турли ноҳуш вазиятларни камайитириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун бугун Наманган, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри маҳалла ҳудудларида жами 1157 та, шаҳар ва туманларга кириш-чиқиш объектлари транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқловчи 19 та ва йўл ҳаракати қондабузарликларини фото-видео қайд этишни автоматлаштирилган тизим учун 84 та тўхташ ва тўхтаб туриш, белгиланган тезликдан оширилганлик қондабузарликларини аниқловчи 9 та камера ўрнатилди.

Шу билан бирга, "Рақамли хавфсиз маҳалла" концепцияси доирасида Самарқанд,

Йўллардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бугун жуда ҳам долзарб. Бу масалага шаҳарсозлик ва илмий қараш билан ёндашув зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугун йўлларда фуқаролар учун хавфсиз шароит яратиш ва ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш борасида қатор ишлар



"Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази ходимлари лойиҳа доирасида катта гайрат билан аҳоли хавфсизлиги, юрт осойишталигини таъминлаш, табиий офатларда аҳолини олдиндан огоҳлантириш ҳамда мамлакатнинг сайёҳлик ва инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича ишларни масъулият билан бажаришга бел боғлаган.



Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиш 1-бетда

Замонавий ҳаёт тез ривожланмоқда. Бу, айниқса, мегаполисларда яққол кўзга ташланади. Шаҳар аҳолиси кўпайиши ва асосий иқтисодий драйверга айлана бориши тамаддунинг бош тенденцияларидан бирига айланмоқда. Ривожланаётган инфратузилма сабаб хавфсизлик секторида алоҳида талаблар қўйилади. Аввало, бу ишончлик, барқарорлик ва кечано кундуз огоҳлик, демасқидир.

Бугун мамлакатимизда жорий этилаётган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг асосий вазифаси ҳам аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш, осойишталик ва тараққиётни асрашдир.

Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йили ҳудудларда "Хавфсиз шаҳар" ягона интеграциялашган тизимини яратиш ва ривожлантириш юзасидан йиллик манзилли дастурлар ишлаб чиқилди, — дейди "Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази директори Улугбек Куланов. — Дастур ижроси доирасида ҳудудларда тизимни жорий қилиш учун босқичма-босқич қурilmалар харид қилинган ҳамда белгиланган манзилларда ўрнатилиб, ишга туширилмоқда.

Маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда уларга кириш-чиқиш жойларида интеллектуал видеокузатув камералари ўрнатилиб, ички ишлар органларининг таянч пунктлари ахборот тизимига интеграция қилинмоқда. Жамоат жойларида, яъни майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, бозорлар, савдо марказлари, музей, кўнгилочар масканлар, дам олиш жаммуалари, меҳмонхоналарда шахсни юздан таниб олиш камералари ўрнатилиш ҳамда уларни ҳудудий ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ахборот

ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

"Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси тўлиқ жорий этилгандан сўнг тизимлар орқали жиноятчилик 30-40 фоизгача камайишига, фото-видео материаллар ёрдамида жиноятларнинг 40-50 фоизгача фош этилишига эришилади. Видеокузатув тизими 24 соат онлайн режимда ишлайди ва ҳар бир камера орқали олинган видео маълумотлар белгиланган талаб асосида 30 сутка сақланади. Бу маълумотлардан кейинчалик ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш ва далиллар тўплашда фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимиз сайёҳларнинг эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Кириш-чиқиш тартиб-таомиллари соддалаштирилгани туфайли юртимизга келаётганлар сони йилдан йилга ортаётди. Саёҳатга овланган киши, аввало, ўзи бораётган мамлакат ҳақида интернетдан маълумот излайди. Ҳаёти ва саломатлиги хавфсиз бўлишига ишонч ҳосил қилгачина, кўзланган манзил сари йўл олади.

Юртимизда сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилган, "Хавфсиз туризм" тамойили йўлга қўйилгани тинчликсевар ва меҳмондўст халқимиз хоҳиш-иродасини ёрқин ифода этаётди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил октябрда Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг Самарқандда бўлиб ўтган 25-сессиясида "Глобал туризмнинг энг долзарб муаммоси — бу туристларнинг қафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлашдир", деган эди. Халқаро туризм амалиётига кўра, саёҳатчилар кўпайиши ва саёҳат географияси кенгайиши билан хавфсизлик чораларига риоя қилиш зарурати кескин ортади. Ҳўш, мамлакатимизда саёҳат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қандай ишлар бажарилмоқда?

Тошкент вилоятида сайёҳлик объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, туристларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қатор ишлар бажарилмоқда, — дейди Улугбек Куланов. — Тошкент вилояти Бўстонлик тумани "Чорвоқ" эркин туристик зонасида "Хавфсиз туризм" лойиҳаси доирасида 134 та объектнинг видеокузатув камералари "Вазиятлар маркази"га интеграция қилинди. Шу билан бирга, тирбандликларнинг олдини олиш учун ноқонуний тўхташ ва тўхтаб туриш қондабузарликларини аниқловчи, тезликни ўлчовчи радар, автотранспорт оқимини ҳисобловчи ва давлат рақамини аниқловчи, фото-видео қайд этиш ҳамда ёнғиндан хабар берувчи интеллектуал видеокузатув қурilmалари ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Бу сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартиби ҳамда йўл ҳаракати қондалари бузилишининг олдини олиш, воқеа-ҳодисаларни узлуксиз кузатиб бориш, муаммонинг бевосита бошланғич нукта-сидан хабардор бўлиш ва бартараф этишга хизмат қилади. Ўз навбатида, туризм соҳасида хизматлар кўрсатуви ва етиб келган сайёҳлар ҳисобини юртувчи давлат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиришда қўл келмоқда. 24 соатлик кузатув режимини барча ҳудудларда йўлга қўйиш, биринчи навбатда, жойлардаги осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшмоқда.



Шу кунларда олий таълим муассасаларида 2024/2025 ўқув йили учун имтиҳонларга тайёргарлик жараёни қизғин кетмоқда. Минглаб қорақўллар ва ота-оналар кўнглида умид учкунлайди. Илгари тест синовларида турли ноқонуний ҳолатлар кузатиладди. Мисол учун, абитуриент ўрнига бошқа одам тест топшириши ёки жараёнда унга кўмак берилиши, телефондан фойдаланиш каби ҳолатлар учраганини истисно қилолмаймиз. Бугун тест синовлари шаффофлиги, ҳаққонийлигини таъ-



минлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса абитуриентлар ва ота-оналар кўнглида умид уйғотади. Битта билимсининг қинғир йўл билан тесдан ўтгани ўнлаб йигит-қизлар руҳиятига зарба беришини тасаввур қилиш оғриқли. Ёшлар қалбида эртанги кунга ишонччи йўққа чиқарадиган бу каби ноқонуний ишларга бугун чек қўйилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги тақдим этган рўйхатта мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича 85 та катта сифмли ёпиқ бинога

ларнинг ўзаро меҳр-оқибатли, мурувватли, саховатли бўлиши ва ўзига хос жамоани шакллантиришда бу ноёб институтнинг ўрни беқисс. Маҳалладаги хурматта сазовор кесалар ҳаммаша ёшлар учун ибрат, йигит-қизларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати уларнинг кўз ўнгиде бўлган. Ана шу азалий анъана бугун "Бир нуруний — ўн ёшга масъул" тамойилига мувофиқ амалга ошириб келинаётди. Ҳаётий тажрибага эга, фаол нурунийларнинг ёшлар тарбиясига масъул бўлиши замирида ҳам осойишталик, обод-

Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида жами 790 та, шаҳар ва туманларга кириш-чиқиш объектларида транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниқловчи 71 та камера ишлаб турибди. Президентимиз раислигида ўтган йили 28 июлда Фарғона шаҳрида ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жиноят қилган шахсларнинг ҳар учинчисини ёшлар ташкил қилаётгани афсус билан қайд этилди. "Эътибор беринг, ёшлар жиноятчилигининг катта қисми назоратсиз қолган воқеа етмаганлар томонидан содир қилинмоқда. Энг ачинарлиси, воқеа етмаганлар ичиде ўта оғир жиноят содир этганлари ҳам бор", деган эди давлатимиз раҳбари. Шу бонс, ёшлар билан манзилли ишлаш дастурлари амалга оширилиши белгиланган. Оилавий низола, аёллар жиноятчилиги ҳолатлари ҳам эътибор қаратилиб, оғир ҳаётий аҳволга тушган оилаларга ёрдам бериш бўйича "ижтимоий хизмат иши" очилиши, "Хавфсиз оила" тамойили асосида алоҳида тизим йўлга қўйилиши кўзда тутилган эди.

"Кўш уясиде кўрганини қилади", дейди доно халқимиз. Оиладаги маънавий муҳит фарздан тарбиясида яққол кўзга ташланади. Муносабатларда муаммоси бўлган, масъулиятсиз ота-она келгуси ноҳуш вазиятларга замин тайёрлайди. Оиладаги бўшлиқ болани турли йўлларга кириши, ҳар ердан ва ҳар кимдан таянч излашига сабаб бўлади.

Шиддат билан ривожланаётган дунёда кечаётган зиддиятли жараёнлар таъсири мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бунга биз уйғоқ қалбли, илму маърифатли, маънавиятли, яратувчан ёшларимиз билан қарши тура оламиз. Бундай йигит-қизлар тинч-тотув, меҳр-оқибатли оилаларда камолга етади. Фуқароларнинг ички оиламини тартибга келтириш, айниқса, йигит-қизлар қалбиде шукрона, ҳаётдан миннатдорлик туйғуларини шакллантириш, қийинчиликларни оқиллик ва сабр билан енгиш, тириклик, тинчлик-осойишталик қадри улуг эканини англашга кўмак бериш ишлари муштарак олиб борилиши зарур. Шунда "Хавфсиз шаҳар" тамойилининг самараси янада яққол кўринади.

бажариларди. Йўлларда тирбандликнинг олдини олиш учун қаватли кўприклар, йўл ўтказгичлари қуриларди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қондабузарликларни қайд этиш тизими ишлаб турибди. Аммо ўрнатилган қурilmаларга аҳоли томонидан "Жарима тулаш осон эмас. Нега керак шу қурilmалар?" деган эътирозлар ҳам учраб туради.

— Танганинг иккинчи томони ҳам бор, — дейди Улугбек Куланов. — Йўл ҳаракати ҳодисасида иштирокчи фақат автотранспорт воситаси эмас. Бу ерда инсон ҳам иштирок этади. Дейлик, бирон ҳодиса юз берса, фақат автотранспортнинг у-бу ери шикаст еб қолмайди. Кимгадир жараҳат етиши, оқибатда у ҳаётдан кўз юмishi ёки умрбод ногирон бўлиб қолиши мумкин. Бунга ақсарий ҳолларда қондабузарликка йўл қўйилгани, белгиланган тезлик меъридан ортиб кетгани сабаб бўлиши мумкин. Кимдир шу ҳодисанинг ортидан оиласини йўқотади, кимдир озодликдан маҳрум этилади. Бунинг ҳунук оқибатлари жуда кўп. Шу бонс, қондабузарликни тартибга солидиган механизм зарур.

Йўллардаги вазиятни яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисалари сонини ва оқибатидан етадиган зарарни камайитириш ишларини фаоллаштиришда мазкур қурilmаларнинг ўрни алоҳида.

Мақсад — жамоат хавфсизлигини таъминлаш чорасини янги босқичга олиб чиқиш, жиноятчиликка қарши кураш тизимини тўлақонли ташкил этиш, фавуқлода ҳаётлар ва оқибатларни прогноزلаш орқали олдини олиш. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий рақамли технологиялар, интеллектуал тизимлардан кенг фойдаланган ҳолда инсон омилини камайитиришга эришилади.

"Хавфсиз шаҳар" тизимларини ривожлантириш маркази ходимлари лойиҳа доирасида катта гайрат билан аҳоли хавфсизлиги, юрт осойишталигини таъминлаш, табиий офатларда аҳолини олдиндан огоҳлантириш ҳамда мамлакатнинг сайёҳлик ва инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича ишларни масъулият билан бажаришга бел боғлаган.

Таълим

Шукурulloх ИСМОИЛОВ, ТАТУ Урганч филиали директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу орқали барча соҳаларга юқори малакали кадрларни етказиш ва иқтидорларини намоен қилиш баробарида илмий, ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларга ечим бўладиган инновацион янгиликлар яратилаётди. Шундай таълим ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети ташаббус билан жорий йил 20-25 май кунлари "TUIT Bright Futures Week" ҳафталиги ўтказилди.



Мазкур ҳафталик доирасида "Follow up Conferences", "TUIT Digital Girls", "UNICORN startup loyihalari", "My Future

Job", "200 nafar iqtidorli talaba", "CTF Cyber Challenge", "TUIT Cyber Games" va "United clean coders" каби ёшлар учун фойдали бўлган танлов ҳамда кўргазмалар ташкил қилинди. Бу мусобақаларда хотин-қизлар анча фаол қатнашди. Жумладан, "TUIT Digital Girls" ҳақатониде республикамизнинг 20 дан ортқ энг нуфузли университети қаторида Ал-Хоразмий издошлари бўлган қизларимиз ҳам нималарга қодирлигини исботлади. Ҳўш, бундай танловларнинг ўтказилиши нимаси билан аҳамиятли? Энг аввало, улар ижтимоий соҳаларда, жумладан, таълим ҳамда тиббиёт тизимини рақамли технологиялар йўналишини оммалаштириш, тадбиркорлик ва молиявий технологиялар иштирокчини ошириш, рақамли қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



Тез ривожланаётган оптик алоқа соҳаси мазкур йўналишда фаолият юртувчи олий тоифали мутахассисларга талаб ошишига

олиб келяпти. Шу туфайли вилоятимиздаги олий таълим муассасаларида бундай талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали

кадрлар тайёрлашга эътибор кучаймоқда. Жумладан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида янги ўқув йилидан бошлаб "Фотоника ва оптик алоқа" магистратура мутахассислиги бўйича талабалар қабули режалаштирилган.

Университет бу соҳада юқори тажрибага эга бўлган дунёнинг етакчи ОТМлари билан илмий алоқаларни йўлга қўйган. Жумладан, Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасидаги INMACOM лойиҳаси бўйича бошланган ишлар бугунги кунда жадал давом этмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади Ўзбекистон телекоммуникация меҳнат бозоридеги етқиҳларни қондирш учун оптик алоқа ва фотоника бўйича магистрлик дастурини яратиш ҳамда мазкур соҳада етуқ мутахассислар тайёрлаш ҳисобланади.

Яқинда давлатимиз раҳбарини ўтказган йиғилишида юртимиз олийгоҳларида ҳам спин-оф тажрибасини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Натияжада олийгоҳларимизда тажриба-ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлади, уларга IT-парк резидентлари учун назарда тутилган имтиёзлар берилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, ҳар бир соҳага рақамли иқтисодиётни олиб кириш ишлари ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда ТАТУ нинг Урганч филиалида ҳам абитуриентлар учун бакалаврият босқичида иқтисодиёт йўналиши очилди.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

БУВИМДАН ҚОЛГАН БЕБАҲО МЕРОС

ГАЗЕТХОНЛИК ҲАМ САНЪАТ

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мендан кўп сўрашади: "Нега газетани танлагансиз? Нега телевиденида ишлашга қизиқмайсиз? Мақола ёзиш қийин эмасми?" Ҳатто танишларимдан бири "Сизнинг ёшингизда одамлар экранда кўринишга қизиқади. Сиз эса худди 50 ёшли аёлдек "Газетада ишлаш ёқади", дейсиз", деб қулганди. Очиги, кўпинча ана шундай саволларга жавобим қисқа бўлади: "Мен газетани яхши кўраман!".



Шундай дейман-у, ўзим ҳам ўйлаб қоламан: чиндан ҳам нега доим журналист сифатида ўзимни газетада кўраман? Нега талабалик йилларимда барча курсдошларим амалиёт ўташ учун телевидение, интернет сайтларига ошиққанда мен газетага бораверардим. Ахир баъзилар каби болалигидан шеър, мақола ёзиб, матбуот нашрларига қатнашган эмансизман-ку! Журналистика касбини танлашим ҳам тасодиф бўлган. Мақтабни тамомлаб, бир қарорга келишим керак бўлган онда ичимдан бир овоз "Журналист бўламан!" деганда ота-онам каби ўзим ҳам ҳайрон қолгандим. Аммо ўшанда ички овозимни эшитган олгимдан бахтлиман. Менга аталган чин касбинини танлаганим, адашмаганим учун шukur қиламан.

Касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида шулар ҳақида ўйладим. Ўзимга ўзим яна ўша саволни бердим: "Мен нима учун газетани яхши кўраман?". Бу сафар саволим анча жиддий янгради. Бирдан кўз олдимга раҳматли Холисхон бўвим келди. Ёқимли хотиралар ёдимга тушди. Мен излаган саволнинг жавоби унда эди...

Ҳафтанинг пайшанба куни. Эрта тондан бўвим одаддаги жойида ўтирибди. Чамаси 10 соатдан зиёд ҳовлининг дарвозаси рўпараси — энг этак қисмида жойлашган ўриндиқда бўвим тебраниб ўтириб, ашиққанда кўз узмайди. Биз — чамаси 10 ёш атрофидаги болалар у ёқдан бу ёққа югурамиз. Бўвим ора-сера "Куча эшиги очикми, ҳозир Сурой (Сурайё амма) келди", деб қўяди. Бу эшик ҳар куни тонг сахарда очилиши, бобом ёки бўвим шаҳсан ўзи очиб, келинлар кўчага сув селиши ва ярим кечагача ёпилмаслигини ҳаммамиз яхши билса-да, бўвимни хотиржам қилиш учун югуриб бориб қараб келамиз.

Ховлимизга яқин жойда аммаминг дўкони бор. Ҳар куни дўкonga келишдан олдин бизникига кириб, бўвимдан хабар олади. Узоқ суҳбатлашиб ўтирилади. Шунинг учун амманни куттиш бўвим қолиб, биз учун ҳам ўзига хос таомилга айланган. Чунки амма одадга қуруқ келмайди! Аммо айнан пайшанба куни бўвим амманни умуман бошқача кутди. Саври чидмай кутди. Чунки пайшанба — газеталар чиқадиган кун! Аксарият газета-журналларнинг янги сони шу кун эрталабдан кюскда сотила бошларди. Газета олиш учун пайшанба куни матбуот тарқатиш шохобчалари олдида турнақатор навбат бўларди.

Нихот кўча эшиги очилди, ҳаммамиз кутган инсон — амма кириб келди.

Гуриллал олдида югурдик. Кўлидаги целлофан пакетларни олдик. Лекин асосийсини бизга бермади. Бўвим бизни нарироқ кетказишга ҳаракат қилиб, дарҳол амма билан қўришди, кўзини халтадан узмади. Амма ҳам буни пайқайди. Узоқ куттирмай, халтни очиб, газеталарнинг "тандиндан узилгандек" янги сонларини бўвимга тутқазди. Бўвим ҳам энгил-эли, санъаткорлар ҳаётига оид хабарлар кўрсатилмасди. Бу борада "сарик матбуот" анча илгорлиги учун ҳам кўпчилик иштиёқманд эди. Қолаверса, газетада чиққан ҳар қандай маълумот мулақоат ишончли ва тўғри эканига шубҳа қилмасдик.



бил торгандек чуқур нафас олиб, кўзи чакнаб кетди. Газеталарнинг барчаси билан кўзидан кўздан кечириб олишни ҳам унутмади. Биз ҳам қизиқ туюлган газеталарни бир кўрмоқчи бўлганимизни биланса, бўвим кўлимиздан "юлқиб" олди: "Тетмаларинг, йиртилиб кетади, сизларга эскиларини берман".

Одадга бўвим бу пайшанбада олган газеталарини то кейинги пайшанбагача — янглиларини қўлига олгунча ўқийди ва шунга қадар ҳеч кимга бермайди. Лекин ўқиганларини ҳаммага айтиб беришни ёқтирарди. Биз эса сиёсатдан тортиб, санъаткорлар ҳаётига бўлган янгликларини қизиқиб эшитардик, аммо ўзимиз газетани қўлга олиб ўқий олмасдик, руҳсат йўқ эди! У даврларда интернет ҳали оммалашмаган, телевидение эса енгил-эли, санъаткорлар ҳаётига оид хабарлар кўрсатилмасди. Бу борада "сарик матбуот" анча илгорлиги учун ҳам кўпчилик иштиёқманд эди. Қолаверса, газетада чиққан ҳар қандай маълумот мулақоат ишончли ва тўғри эканига шубҳа қилмасдик.



Ҳар куни соатлаб гаплаша ҳам сира кўйиб юборгиси келмайдиган бўвимнинг пайшанба куни амманни кузатиши ҳам тез бўлади. Бир сидра салом-алиқдан кейин "Энди ишингга борақол", дейди. Кўлидаги газеталарни тезроқ ўқишга ошиққанини билиб турардик. Амма ҳам тушунган аёл, вази фасини бажарган киши каби хотиржам ишига йўл олади. Кўчадаги келинлар қўшилган "кузатув маросими" ҳам қисқайирилади. Ичкарига киришимиз билан бўвим газета кўпчилик олганча хонасига кириб кетади. Одадга газеталарнинг ҳаммасига бир сидра кўз югуртириб чиқади. Кейин навбатни билан ўқий бошлайди. Бўзимдан бир кунда, баъзан бир неча кун давомидан барини ўқиб тутатади. Айрим қизиқарли мақола ёки суҳбатларини яна қайта мутолаа қилади. Ўқиганларини бизга, ҳатто орада келадиган меҳмонларга айтиб бериб ўтиради. Айниқса, ошхонада онам овқат қилаётган маҳалли бўвим ёнидаги хонада кўзойнақ тақиб олганча газета ўқиши, ора-сера онамни чакриб,

эса кўчага қараган деразадан кузатиб турардик. "Вақил" ичкарига кириши билан кўлидаги газетани сўрар эди. Баъзан пенсия тарқатуви амаки газета олиб келмасди. Айниқса, кейинги йилларга бориб шундай бўлди. Одамлар норозилик билдирарди. Бўвим эса хафа бўлиб, газета арзиман пул туриши, аммо ичида қанча керакли маълумот борлигини таъкидларди.

Шу ёшимгача бўвимдек газетхонни кўрмасдик. Ҳозир ўзимча таҳлил қиламан, бўвимнинг аждодлари орасида бирор шундай инсон бўлганмикан-а? Болалигимдан эшитганларимга кўра, бўвимнинг аждодлари ўқимлиши, маҳоратли шифокорлар, зиёлилар бўлган. Ҳар ҳолда йигитларни ўқитишган. Аммо бўвимнинг ўзи мактабни ҳам тўлиқ тамомламагани, қийинчиликда катта бўлганини кўп айтиб берарди. Ҳаёти 5 болани вояга етказиб, тарбиялаш билан ўтган. "Еш пайтларин ҳатто оғизга ҳатлаб кўчага чиқмаганман", деб кўп гапирардик.

Аммо бўвим одамлар билан суҳбатлашишни жуда яхши кўрарди. Дунёдан хабардор бўлишга, янгликларга қизиқиши юқори эди. Балки шунинг учун ҳам газета ўқишни хуш кўрарди. Битта суҳбатдош бўлиб қолса, соатлаб кўйиб юбормасди. Сода, самимий, дилқаш аёл эди. Кўп газета ўқигани учун у билан гаплашиб тўймасди одам. Ҳақиқий газетхон эди. Жуда кўп китоб ўқийдиган бобом билан ҳам бемалол фикр оламша оларди. Исталган мазмундаги олий маълумотларидан кам ахборот билмасди.

Бўвим бизга газета ўқишни тарғиб қилган, деб айтолмайман. "Газета ўқисанг, ундоқ бўласан, газета ўқисанг, бундоқ бўласан", деб ҳам сира гапирмаган. Аммо биз учун болалигимизда ноодатий бўлиб кўринган одади — яхши газетхонлиги, ўқишни севиши билан шахсий намуна бўлган. Айниқса, газетага меҳрим ўшанда шаклланган аниқ. Мен ҳам бўвим бизга газеталарнинг эски сонини тезроқ ўқишга беришини кутардим. Барини йиғиб олиб, ўқиб ўтирардим. Ўзимча "Қандай қилиб шундай мақола ёзиш мумкин экан, бунинг учун қаерда ўқиш керак, исталган одам мақола ёза олармикан?" деб ҳам ўйлардим. Ёзишга ҳавас қилиб, қўндалик ҳам тутганман.

Ўйласам, журналистикага меҳрим ўшандаёқ шаклланган. Лекин ҳаммасидан ҳам муҳими, йиллар давомида кўз олдимда давом этган яхши одад мени китобхонлик, газетхонликка ўргатгани, матбуот нашрларининг аҳамиятини сингдирганидан қувонаман. Нафақат менга, балки оиламиздаги даярли ҳар бир кишига бу жиҳат сингган, аслида. Амма ҳам худди бўвим каби газета ўқишни яхши кўради. Отам газетадagi мақолалар қиймати йукори баҳолайди. Ҳар гал "Янги Ўзбекистон" газетасининг навбатдаги сонини уйга олиб борганимда дарҳол кўлимдан олиб, хонасига кириб кетарди. Токи ўқиб бўлмагунча чиқмайди. Сўнг мақолалар ҳақида фикр билдирарди. Кўз олдимда болалигимдаги ўша ёқимли манзара — бўвимнинг хатти-ҳаракати гавдаланади.

Кўш уясида кўрганини қилиши бежиз эмас. Тарғиботнинг энг яхшиси сўз эмас, амалдир. Уйда газета ўқийдиган бобо-буви, ота-онанинг фарзандлари ҳам, албатта, шунга одатланади. Биз интернет замонида яшапмиз, деб бунга ураётган одамлар бир мароуба бўлса ҳам қўлига газета ёки журнал олиб кўрса, матбуотнинг ҳақиқий вази фасини англаган бўларди.

Бизга ўзидан катта мерос — газетхонлиқни қолдирган бўвимдан эса доим миннатдорам. Афсуски, у киши газетада мақолам чиққанини кўрмади, аммо бобом кўриб, жуда хурсанд бўлган. Худди отам каби мен билан фخرланган. Мен ҳам газета мухбири эканимдан доим фخرланаман!



Кейинги йилларда матбуотни эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустахкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди. Бугун сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш борасидаги ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, демократик жаҳмиёт ва халқларвар давлат қуришга қаратилган ишларнинг асоси бўлиб хизмат қилаётир. Энг муҳими, янги таҳрирдаги Бош конунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустахкамлаб кўйилгани бу борадаги саъй-ҳаракатлар бардавом эканини кўрсатади.

Севара ЗОКИРОВА, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ахборот хизмати бошлиғи



МАТБУОТ — ФИКРЛАР ТИЛМОЧИ

Яқин кунларда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлаймиз. Ушбу сана нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жаҳмиётимиз учун ҳам аҳамиятли.

Шу ўринда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жаҳид боболаримизнинг: "Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожига йўлида хизматчи, одамлар оғузу шуурининг кўеши, ҳар кимнинг ваджонига тутилган кўзга бўлмоли лозим", деган фикри гоат муҳим аҳамиятта эга эканини таъкидлаш жоиз.

Матбуотчиларнинг касб байрами сўнгги йилларда янгича мазмун касб эдди. Соҳага қаратилган эътибор туфайли нодавлат интернет журналистика ва блогерлик жадал ривожланиб бормоқда. Бугун реал вақт режимидаги янгликлар ва постлар, матбуот ва электрон нашрлардаги доллар мақолалар, ижтимоий тармоқлардаги қизиқарли, танқидий ва фикрлашга ундовчи материаллар ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурди.



Кейинги пайтда расмий ахборотнинг бирламчи манбаи, фуқаролар билан мулоқотда муҳим ресурс бўлишга интилаган давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг роли ҳам ошди. Бу эса халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ўтган даврда матбуот котибларининг ўзи ишлаб турган жамоасидagi мавқеа ҳам юксалди, улар кенг жамоатчиликка танила бошладилар. Зеро, бугун шиддатли ўзгаришлар, тезкор ахборот оқими даврида қайси давлат ташкилотига саволлар ёки эътирозлар кўпайиб кетса, биринчи бўлиб ўша ташкилотнинг матбуот котиби майдонга чиқаяпти.

Президентимизнинг 2019 йил 27 июндagi "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса соҳани тартибга

солувчи, матбуот котибларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат бўлди.

Ахборот хизматлари раҳбарлари бутун вазир, қўмига раис, ташкилот директори ва ҳокимнинг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчилари ҳамдир. Улар соҳага оид турли воқеаларни шарҳлайдиган, ахборот майдонига давлат идорасининг расмий позициясини билдирадиган давлат хизматчиси ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг жамоатчилик билан алоқалар соҳасидаги фаолиятига бир қўр назар ташласак, 2023 йил давомида 20 га яқин матбуот анжумани, брифинг, пресс-тур, 10 дан ортққ онлайн эфир, телеканалларда 150 дан зиёд радиога 30 га яқин, босма нашрларда 70 дан ошққ, сайтлар ва ижтимоий тармоқларда 1100 дан ортққ хабар, мажбуриятлар, талаблар

Сўнгги йилларда ахборот хизматлари фаолияти сезиларли ривожланаётгани бунинг учун мустахкам ҳуқуқий замин яратилгани, 10 дан ортққ қонун ҳужжатларида муносабатларнинг тартибга солингани, ҳуқуқлар, мажбуриятлар, талаблар

белгилаб берилгани, Президент Администратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ахборот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали кўмаклашгани билан бевосита боғлиқ. Агентлик томонидан вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда 2022 йилда 9 та семинар ташкил этилиб, уларда матбуот хизматларининг 498 га яқин ходими қатнашган бўлса, 2023 йилда шу турдаги тадбирлар сони 21 тани, тингловчилар сони 600 дан зиёдри ташкил эдди. 2024 йилнинг биринчи чорагида эса ташкилотлар билан ҳамкорликда 29 та семинар ўтказилиб, вазирилик ва идоралар ахборот хизматларининг 350 дан ортққ ходими малака ва тажриба оширди.

Агентлик конструктив мулоқот учун ўзига хос платформа вазифа-

сини бажариб, ОАВ, жамоатчилик вакиллари ва блогерлар ахборотта эга бўлишига зарур шароит яратиб келмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар натижасини давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, очиклик борасидagi самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илгор халқро стандартлар асосида баҳолаш тизими — Очиклик индексига асосан кузатиш имкони мавжуд. 2023 йил якунлари бўйича республика даражасидagi давлат органлари ва ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг 131 нафар матбуот котиби фаолияти баҳоланади. Шундан 96 нафар матбуот котибининг фаолияти натижалари субъектиндаги сифатида Очиклик индексига акс эттирилиши учун баҳолаш комиссиясига тақдим этилди.

2023 йил якунлари бўйича Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан баҳоланган ташкилот ва идораларнинг 29 нафар матбуот котиби (22,1 фоизи)нинг иш натижалари юқори, 59 нафари (45 фоизи)ники ўрта даражада баҳоланди. 2019 йилдаги биринчи баҳолаш билан солиштирганда матбуот котиблари фаолияти самарадорлигида жиддий ўсиш кузатишмоқда. Масалан, юқори даражада баҳоланган матбуот котиблари улushi 8,8 дан 22,1 фоизга, сон жиҳатидан эса 3,6 баробар ўстган.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 12 январь кунини Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида билдирган фикрлари, олдимизга қўйган вази фасилар муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур йиғилишида ахборот хуружлари ва унга қарши курашиш масаласига асосий урғу берилди. Жумладан, Президентимиз "Биз Ўзбекистон ахборот маконига миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берамиз. Чунки одамларда янглик, тахлилий маълумотлар, реал воқеаларга эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, уни бошқалар қилади. Бунга мулаққоб йўл кўйиб бўлмайди. Ҳар қандай танқидга жавоб бериш, журналист ҳолда турли ёлгон ахборотлар сони кўпайиб, фойдаланувчилар орасида аниқ, ҳолис ва ҳаққоний манбага талаб ошган пайтда ўз билим ва салоҳиятини ошириб бориши, тажриба ортириши лозим.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Publication information block including publisher details, contact information, and subscription rates.